

**ИОН-ПЛАЗМА ВА ЛАЗЕР ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ ИНСТИТУТИ  
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
DSc.02/30.12.2019.FM/T.65.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ  
ИОН-ПЛАЗМА ВА ЛАЗЕР ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ ИНСТИТУТИ**

**КОСИМОВ ИСРОИЛ ОДИНАЕВИЧ**

**КРЕМНИЙ ЮЗАСИДА ҲОСИЛ ҚИЛИНГАН Cu, CdSe ВА TiO<sub>2</sub> ЮПҚА  
ПЛЁНКАЛАРИНИНГ ЭЛЕКТРОН СПЕКТРОСКОПИЯСИ**

**01.04.04 – Физик электроника**

**ФИЗИКА-МАТЕМАТИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Ташкент-2025**

**Физика-математика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)  
диссертацияси автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)  
По физика-математическим наукам**

**Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)  
on physical-mathematical sciences**

**Косимов Исроил Одинаевич**

Кремний юзасида ҳосил қилинган Cu, CdSe ва TiO<sub>2</sub> юпка  
плёнкаларининг электрон спектроскопияси ..... **5**

**Косимов Исроил Одинаевич**

Электронная спектроскопия тонких пленок Cu, CdSe, TiO<sub>2</sub> созданных  
на поверхности кремния ..... **26**

**Kosimov Isroil Odinaevich**

Electronic spectroscopy of thin Cu, CdSe, TiO<sub>2</sub> films created on a  
silicon surface ..... **49**

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

Список опубликованных работ  
List of published works ..... **54**

**ИОН-ПЛАЗМА ВА ЛАЗЕР ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ ИНСТИТУТИ  
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
DSc.02/30.12.2019.FM/T.65.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ  
ИОН-ПЛАЗМА ВА ЛАЗЕР ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ ИНСТИТУТИ**

**КОСИМОВ ИСРОИЛ ОДИНАЕВИЧ**

**КРЕМНИЙ ЮЗАСИДА ҲОСИЛ ҚИЛИНГАН Cu, CdSe ВА TiO<sub>2</sub> ЮПҚА  
ПЛЁНКАЛАРИНИНГ ЭЛЕКТРОН СПЕКТРОСКОПИЯСИ**

**01.04.04 – Физик электроника**

**ФИЗИКА-МАТЕМАТИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Ташкент-2025**

Физика-математика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги хузуридаги Олий аттестация комиссияси B2022.3.PhD/FM765 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация А.У. Арифов номидаги Ион плазма ва лазер технологиялари институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус ва инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида ([www.iplt.uz](http://www.iplt.uz)) ҳамда «ZiyoNet» ахборот-таълим порталида ([www.ziyo.net](http://www.ziyo.net)) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Исаханов Зинаобидин Абилпейзевич  
физика-математика фанлари доктори, профессор

Расмий оponentлар:

Максимов Сергей Евлантиевич  
физика-математика фанлари доктори, кат.и.х.

Ахроров Субхан Курбонович  
физика-математика фанлари номзоди, доцент

Етакчи ташкилот:

Ислом Каримов номидаги Тошкент давлат  
техника университети

Диссертация ҳимояси Ион-плазма ва лазер технологиялари институти хузуридаги илмий даражалар берувчи DSc.02/30.12.2019.FM/T.65.01 рақамли илмий кенгашнинг 2025 йил «11» сентябрь соат 16<sup>00</sup> даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100125, Тошкент шаҳри, Дўрмон йўли кўчаси, 33-уй. Тел./факс: (99871) 262-32-54, e-mail: [info@iplt.uz](mailto:info@iplt.uz), Ион-плазма ва лазер технологиялари институти мажлислар зали).

Диссертация билан Ион-плазма ва лазер технологиялари институтининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (4 рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100125, Тошкент шаҳри, Дўрмон йўли кўчаси, 33-уй. Тел: (99871) 262-31-69.)

Диссертация автореферати 2025 йил «30» сентябрь кuni тарқатилди.

(2025 йил «30» сентябрь даги 4 рақамли реестр баённомаси)



Х.Б.Ашуров  
Илмий даража берувчи  
Илмий кенгаш раиси, техника  
фанлари доктори, профессор

И.Д.Ядгаров  
Илмий даражалар берувчи  
Илмий кенгаш илмий  
котиби, ф-м.ф.д., профессор

У.К. Махманов  
Илмий даражалар берувчи  
Илмий кенгаш қошидаги  
илмий семинар раиси  
ф-м.ф.д., профессор

## **КИРИШ** (Фалсафа доктори (PhD) диссертациясининг аннотацияси)

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурлиги.** Яримўтказгичли Si-Cu, TiO<sub>2</sub>, CdSe юпқа плёнкалари ва хусусан улар асосида ўстирилган гетероструктурали материаллардан, опто ва наноэлектрон қурилмалар, фотодетекторлар, сенсорлар, нурланиш резонаторлари, лазерлар, қуёш элементлари ишлаб чиқаришда кенг қўлланилади. Ушбу соҳаларда юпқа плёнкалар ва намуналарнинг таркиби, тузилиши ва сирт хоссалари, шунингдек, уларга магнетронли чангланиш ва ион бомбардимон қилишнинг таъсири кенг миқёсда ўрганилмоқда. Мис, кичик электр қаршилиги, электромиграция ва бўшлиқ (нуқсон) ҳосил бўлишида ажойиб хусусиятга эга бўлган муҳим элементлардан ҳисобланади. Шунинг учун мис ва кремний орасидаги боғланиш моҳиятини чуқур ўрганиш муҳим аҳамият касб этади.

Бугунги кунга қадар Cu нинг Si билан бирикиши, ҳар хил усулларда ўстирилган бирикмалар ҳақидаги тадқиқотлар, мақолалар, бошқа кремний билан бирикма ҳосил қилган элементлар ҳақидаги маълумотларга нисбатан камроқ нашр этилган ва ўрганилган. Cu ва Si нинг ўзаро диффузияланиши хажмий буғ диффузияси сифатида ўрганилган. Сирт морфологиясини ўзгартириш, фаза параметрларини ўрганиш ва кремний таглик сиртига қатлам ўстиришнинг оптимал усулларини ишлаб чиқиш замонавий электрониканинг долзарб муаммоларидан биридир.

Ўзбекистон Республикасида истиқболли фундаментал ва амалий тадқиқотлар йўналишларини, хусусан янги наноматериаллар яратиш, уланинг фундаментал физик хусусиятларини ўрганиш ва олинган тадқиқот натижаларини амалиётда қўллашни ривожлантиришга катта эътибор қаратилмоқда.

Ушбу диссертация маълум даражада Ўзбекистон Республикаси Президентининг «2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сонли фармони ҳамда «Фанлар академияси фаолияти, илмий-тадқиқот ишларини ташкил этиш, бошқариш ва молиялаштиришни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 2017 йил 17 февралдаги № 4ПҚ-2789-сонли қарори доирасида кўзда тутилган вазифаларни бажаришга хизмат қилади.

**Диссертациянинг Республика фан-техника тараққиётининг устувор йўналишларига мувофиқлиги.** Диссертация Ўзбекистон Республикаси фан ва техникасини ривожлантиришнинг устувор йўналишига мувофиқ амалга оширилди: «Энергия ва энергия ресурс тежамкорлик; замонавий электроника; микроэлектроника; фотоника; электрон қурилмаларини ривожлантириш» каби устувор йўналишлар доирасида амалга оширилган

**Муаммони ўрганилганлик даражаси.** Янги электрон қурилмаларни яратиш истиқболлари кўп жиҳатдан аниқланган физик хусусиятларга эга бўлган юпқа плёнкали кўп қатламли гетероструктураларнинг синтези билан белгиланади. Бундай ҳолда, фақат ўзига хос физик-кимёвий хусусиятларга эга

бўлган "нанофаза - матрица", "нано-қатлам"- "таглик" алоҳида қизиқиш уйғотади. Шу муносабат билан кейинги йилларда ушбу тизимларнинг таркиби, тузилиши ва хусусиятларини ўрганиш борасида жуда кўп ишлар амалга оширилган. Шулар жумласидан Демчик Б.Г. (Demczyk B.G. ва бошқалар) хона ҳароратида Si(100) да Cu нинг юқори энергияли электрон дифракцияси (ЮЭЭД) да ўсиши натижаларини тақдим этди. Ушбу ишда Si (111) таглик сиртига Cu нинг дискрет ориентацияларига эга бўлган эпитаксиал Cu қатлами устирилганлиги кўрсатилган. Айтиш жоизки, ушбу тадқиқотда мис силицидининг фазалараро жойлашиш ҳудуди Si(100) да Cu нинг эпитаксиал қатлами ўсишига Si(100) нинг кристалл панжараларининг мос келиши орқали амалга ошганлигини тасдиқлаган.

Krastev E.T., Voice L.D., Tobin R.G юзадаги мис оролчаларининг электр ўтказувчанлиги сирт, оралиқ ёки зарра чегарасига боғлиқлигини аниқлаган.

Ушбу ишда Sadowski J., Domagała J.Z., Zajkowska W., Kret S ва бошқалар Si(001) тагликка Cu атомларининг ўтириши ва тавлашнишини ўрганиш учун модификацияланган киришма атомлар усули ёрдамида молекуляр динамика моделлаштиришидан фойдаланганлар.

Қиздирилганидан сўнг плёнканинг тузилиши аморф ҳолатдан кристалл тузилишга сезиларли даражада ўзгариши кўрсатилган. Дж Олеа. ва бошқалар, тўйинган TiSi олиш учун биринчи марта микротўлқинли қиздириш жараёнларидан фойдаланганлар.

Ti нинг юқори дозалари Si тагликка ион имплантация қилинган ва кейин аморф қатламни қайта кристаллаштириш учун микротўлқинли қиздириш усулида ишлов берилган. Олинган қатламлар монокристалликка эга юқори зичликдаги нуқсонлардан иборат бўлган. Пандарам П. ва бошқаларнинг ишларида, TiO<sub>2</sub>-Si юпқа плёнкаси учун рентген нурлари дифракция спектрлари олинган ва TiO<sub>2</sub> юпқа плёнкасининг барча намуналарда анатаз фаза тузилиши ва қиздириш натижасида анатаз фазадан рутил фазага ўтишини кўрсатган. Рентген нурлари дифрактометри қурилмаси ёрдамида Ti/TiO<sub>2</sub>/p+Si юпқа плёнкасининг кристалл тузилиши ҳақида барча маълумотларини ҳисоблаш тизими ишлаб чиқилган ва намуна структурасини аниқлаш учун фойдаланилган. Стачура Р., ва бошқалар, синхротрон нурланишига асосланган рентген дифрактометри усули билан ўзгартирилмаган ва паст энергияли нурланган юқори зарядланган Хе<sup>+</sup> ионлари билан TiO<sub>2</sub> наноқатламларининг морфологиясини, TiO<sub>2</sub> наноқатламларининг зичлиги, қалинлиги ва сирт ғадир-будурлигини аниқлаган ва ушбу таҳлил натижалари TiO<sub>2</sub> наноқатламлари юза зичлиги, ҳажмий зичлигига нисбатан анча паст эканлигини кўрсатган.

Пандарам П. ва шогирдлари гамма-нурланишнинг p- типли кремний (Si) ва ғовак кремний (PSi) устида тўпланган юпқа титан диоксиди (TiO<sub>2</sub>) плёнкасига таъсирини ўрганиб чиқдилар ва гамма нурланиши туфайли турли хил структуравий, оптик, электр хусусиятларининг ўзгаришини кремний устидаги гетероўтишлар ва кремнийнинг ғоваклилиги текстурасини аниқладилар.

Б. Э. Умирзаков, М. Т. Нормурадов ва уларнинг шогирдлари томонидан биринчи марта паст энергияли ион имплантацияси усули билан

наноплёнчалар, сиртдаги нанофазалар, яримўтказгичларнинг турли чуқурликларида нано ўлчамдаги кристаллар ва уларнинг шаклланиш механизмлари, хар хил қатламлар учун ўрганилган.

**Диссертация тадқиқотнинг диссертация бажарилган олий таълим муассасаси ёки илмий-тадқиқот муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.** Диссертация иши Ион плазмаси ва лазер технологиялари институтининг илмий-тадқиқот режасига асосан қуйидаги лойиҳалар доирасида амалга оширилди: № ОТ-ФЗ-13 «Кремний-силицид-металлнинг эркин кўп қатламли наноплёнка структураларини шакллантириш механизмлари ва уларнинг электрон ва кристалл тузилишини ўрганиш» (2017–2020) ва Ф-ФА-2021-509-сон «Метал ионлари билан имплантация қилиш ва фаол органик бирикмалар молекулалари томонидан адсорбцияланганда ноорганик ( $Ti$ ,  $W$ ,  $WO_x$ ,  $TiO_2$ ,  $Si$ ,  $SiO_2$ ) ва органик (полимерлар) материаллар юзасида кўп компонентли наноструктураларни ҳосил қилиш механизмлари»

**Тадқиқотнинг мақсади**  $TiO_2$ ,  $CdSe$ ,  $Si/Cu$  нинг нано ўлчамдаги тузилмаларининг ҳосил бўлиш қонуниятларини ва уларнинг электрон тузилиши, таркиби ва хусусиятларига ион бомбардимон қилиш ва қиздиришнинг таъсирини ўрганишдан иборат.

**Тадқиқот вазифалари:** Юқоридаги мақсадни амалга ошириш учун қуйидаги вазифалар куйилди :

магнетронли чанглатиш усули ёрдамида кремнийнинг моно- ва поликристаллари сиртида  $TiO_2$  наноплёнчаларини олиш;

раман спектроскопия усули (РС) ёрдамида  $Si$  сиртига ўстирилган  $CdSe$  плёнчаларининг кристаллик даражасини ўрганиш;

$Si$  ва  $CdSe$  юзасида паст қаршиликли контактларни яратиш;

актив металл ионларини имплантация қилиш орқали  $Si/Cu$  эркин плёнка системаларининг сирт хоссаларини модификациялаш;

$Cu$  ионлари билан имплантация қилинган  $Si$  таркиби ва хоссаларига ионлар бомбардимони ва ундан кейинги қиздиришнинг таъсирини ўрганиш;

$Cu-Si$  наноплёнчаларининг тормозлаш қобилиятини назарий ўрганиш;

**Тадқиқот объекти**  $Cu$ ,  $TiO_2$ ,  $CdSe$  нинг поликристал плёнчалари,  $Cu/Si$   $TiO_2/Si$  (111) ва  $CdSe/Si$  нинг поли- ва монокристалл намуналари.

**Тадқиқот предмети**  $Cu/Si$ ,  $TiO_2/Si(111)$  ва  $CdSe/Si$  лар юзаси ва юза остида нано-ўлчамдаги тузилмалар электрон структураси ва тузилмаларни ҳосил қилишнинг физик механизмларидан иборатдир.

**Тадқиқот усуллари.** Оже – электрон спектроскопияси (ОЭС), иккиламчи ионлар масс-спектрометрияси (ИИМС), магнетрон чанглатиш усули, ультрабинафша фотоэлектрон спектроскопияси (УФЭС), энергиясини характерли йўқотган электронлар спектроскопияси (ЭХЙЭС), тезлаштирилган электрон дифракцияси (ДБЭ), Раман спектроскопияси (РС), атом кучи микроскопияси (АСМ), сканерловчи электрон микроскопияси (СЭМ), рентген фазавий таҳлили (РФТ).

**Тадқиқотларнинг илмий янгилиги** қуйидагилардан иборат:

Илк бор Si(111) юзасида турли қалинликдаги TiO<sub>2</sub> плёнкалари олинди ва Миллер индекслари ва панжара параметрлари аниқланди. Плёнка таркибида TiO<sub>x</sub>, TiO<sub>x</sub>C<sub>y</sub> каби бирикмалар ҳолида O, C ва баъзан H нинг микро ёки нанозаррачалари атомлари борлиги кўрсатилган, TiO<sub>2</sub> нинг кристалли ва аморф фазаларининг фоизи аниқланади: кристалл қисми 19%, аморф қисми 81%;

кремний юзасига ўстирилган CdSe плёнкаларини дастлаб хона ҳароратида ва 800°C гача қиздирилганда аморфлик ва кристаллик даражалари Раман спектроскопия усулида аниқланди. Кадмий селениддаги аморф фазанинг улуши 46% дан 17% гача камайганлиги аниқланди. Олинган натижалар қуёш элементлари, микроэлектроника, нуқсонларнинг пайдо бўлиш соҳаларида, шунингдек, оптоэлектроника ва нанотехнология соҳалари учун материаллар яратиш тадқиқотлар учун катта қизиқишлар уйғотади;

кремний таглик юзасида миснинг юпқа кичик қаршиликли контакт қатлами олинди, ва бу ўстирилган мис қатлами юпқа ва силлиқ бўлиб, юзасининг тузилиши ва морфологиясини ўзгартирмайди, шу билан бирга кремний юзасида ўстирилган фотоэлементлар юза рельефи (силлиқланганлиги) ток оқимининг йўқотишларини камайтиришга, ва шунга мос равишда уларнинг самарадорлигини оширишга имкон беради;

қалин ва эркин юпқа плёнкалар валент электронларининг ҳолат зичликлари бир-биридан кескин фарқ қилиши аниқланди. Ba<sup>+</sup> ионларини имплантация қилиш ва сўнгра қиздириш натижасида BaSi типидagi наноплёнка ҳосил бўлиши ва маълум миқдорда боғланмаган Si атомлари борлиги аниқланди. Кремнийнинг қалинлиги d≤400Å бўлган эркин Si–Cu плёнкаларига актив металл ионларини имплантация қилишда қуйидаги чекловлар мавжудлиги аниқланди: ион энергияси E<sub>0</sub> =4–5 кэВ дан кам бўлиши керак; имплантациядан кейинги қиздириш T ≤ 800 K да амалга оширилиши керак. BaSi плёнкалари поликристал тузилишга эга бўлиб, Si атомларининг бир оз кўплиги билан ажралиб туради;

ИИМС ва ОЭС усули ёрдамида Cu нинг элементар ва кимёвий таркибидаги ўзгаришларни, Cs<sup>+</sup> ионларини имплантация қилиш ва сўнгра қиздириш орқали сиртини тозалашнинг самарали усули ишлаб чиқилди. Cs<sup>+</sup> атомлари юқори фаоллиги туфайли кислород ва углерод атомлари билан кимёвий боғ ҳосил қилиши ва қиздирилгандан сўнг Cs+O, Cs+C ҳолатда буғланиши аниқланди;

Ba<sup>+</sup> ва Cs<sup>+</sup> ионлари билан бомбардимон қилинганда Cu–Si наноплёнкасининг тормозлаш қобилияти назарий тадқиқотлари Si–Cu контакт қатламигача кириб борганида энергия йўқотилиши сезиларли даражада ошиши аниқланди. Ҳисоблашлар шуни кўрсатдики, контакт қатламларидаги диамис (Cu<sub>2</sub>Si) ва триамис (Cu<sub>3</sub>Si) силицидлари концентрацияси ортиб бориши билан, имплантация қилинаётган ионларнинг энергия йўқотиши кескин ошиши аниқланди. Буни плёнкада кремний ионларининг мисга ва мис ионларининг кремнийга диффузияланиши натижасида бўлиши аниқланди, бу эса сочилиш марказларининг ошиб боришига олиб келиши аниқланди.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари** қуйидагилардан иборат:

- магнетрон чанглатиш усули ёрдамида кремний юзасига механик ишлов бериш ва уни милтиллама разряд ионлари ёрдамида тозалагандан сўнг, миснинг контактини ҳосил қилиш усули ишлаб чиқилди. Бу усул бир хил калинликдаги ва сиртга юқори адгезияланган мис қатламини (3-3,5 мкм) олиш имконини беради. Бундай ҳолда, Si сиртининг тузилиши ва морфологияси ўзгармайди;

- мисни маълум вақт давомида  $T \approx 1200$  К га қиздиргандан сўнг, фаол металл ионларини имплантация қилиб, сўнгра  $T \approx 1000$  К да қиздириш орқали мис юзасини тозалаш режими ишлаб чиқилди;

-  $Ba^+$  ионларининг имплантацияси ва сўнгра қиздириш  $BaSi$  типигаги наноплёнкаларни олишга ёрдам бериши ва Si атомларининг ортиқча миқдори борлиги аниқланди.

**Тадқиқот натижаларининг ишончилиги** Тадқиқот иши замонавий илмий ва экспериментал усуллардан фойдаланиш, тажрибаларнинг зарур статистик маълумотлари, ўлчаш ва маълумотларни қайта ишлашнинг мустақил усуллари мажмуасидан фойдаланиш, шунингдек, олинган натижаларнинг замонавий назарий тушунчаларга мувофиқлиги билан тасдиқланади.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** *Илмий аҳамияти:* ушбу ишда олинган экспериментал натижалар тавланиш билан биргаликда инерт газлар ва фаол металл ионлари билан бомбардимон қилиш пайтида бинар яримўтказгичларнинг юзасида ва сиртга яқин қатламларида нано ўлчовли тузилмаларнинг шаклланишининг асосий механизмларини аниқлаш имконини беради ҳамда ўлчамлари кичрайтирилган материаллар назариясини ривожлантириш учун алоҳида аҳамиятга эга.

*Амалий аҳамияти:* берилган физик хусусиятларга эга нано ўлчамдаги тузилмаларни ишлаб чиқиш учун таклиф қилинган технологиялар янги микро, нано ва оптоэлектроника асбобларини ишлаб чиқишда истиқболга эга эканлигидан иборат.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Диссертация иши доирасида фойдаланилган мақолага “Isakhanov, Z.A., Kosimov, I.O., Umirzakov, B. E., & Erkulov, R. M. (2020). Modification of the surface properties of free Si–Cu films by implantation of active metal ions. *Technical Physics*, 65(1), 114-117”, скопус илмий базасида 3 та ҳавола берилган. Ушбу ҳавола мақолалар қуйидаги мавзуда келтирилган:

1. Sharopov U. B. et al. Comparison of electron irradiation on the formation of surface defects in situ and post thin-film LiF/Si (111) deposition //Thin Solid Films. – 2021. – Т. 735. – С. 138902. <https://doi.org/10.1016/j.tsf.2021.138902>

2. Theodosiou A. et al. Formation of cesium carbonate in ion-implanted graphite, examined with dual-source x-ray photoelectron spectroscopy, density functional theory calculations and thermodynamic modelling //Carbon. – 2022. – Т. 197. – С. 226-237. <https://doi.org/10.1016/j.carbon.2022.06.034>

3. Бернацкий Д. П., Павлов В. Г. Полевая десорбция цезия и бария с нанокластеров графена на поверхности иридия //Физико-химические аспекты

изучения кластеров, наноструктур и наноматериалов. – 2023. – Вып. 15 -2023. -С.40-45.

4. Sharopov, U.B., Kaur, K., Kurbanov, M.K. *et al.* Controlling the Low-temperature Ionic Purification of a Silicon Surface by Electron Spectroscopy. *Silicon* **14**, 4661–4667 (2022). <https://doi.org/10.1007/s12633-021-01268-0>

Диссертация ишида олинган натижа асосида энг яхши жаҳон аналоглари даражасида электрофизик параметрларнинг прототиплари ишлаб чиқарилди. (“Фотон АЖ” “Махсулотлар сиртига комбинацияланган қатлам ўстиришда тажриба наъмунасида ишлатиш” бўйича директор ўринбосарининг 06.12.2023 даги илмий тадқиқот ишларининг натижалари бўйича жорий этиш № 236 рақамли маълумотномаси):

диссертация ишида таклиф қилинган магнетрон ионли чанглатиш манбаси ёрдамида юпқа мис қатламини қўллаш орқали кремний поликристаллига Cu-Si паст қаршиликли контакт яратиш, унинг юқори ўтказувчанлиги ва қалинлиги 3,0 - 3,5 микрон бўлганлиги сабабли, унинг кичик қаршиликка эришиш имконини беради.

диссертация ишида келтирилган раман усули ёрдамида хона ҳароратидан 800<sup>0</sup>С гача қиздирилганда CdSe плёнкаларида аморф ва кристалланиш даражасининг ўзгариши ўрганилди. Бунда кадмий селен таркибида аморф фазанинг улуши 17% гача камайиши аниқланди. Олинган натижалар микроэлектроника, нуқсонларни шакллантириш, шунингдек, опто- ва наноэлектроника учун материаллар яратиш соҳасидаги тадқиқотлар учун катта қизиқиш уйғотади.

Олинган натижалар микроэлектрон қурилмаларни яратишда ФОТОН АЖда жорий этилди ва фойдаланилди. Илмий натижалардан фойдаланиш «ФОТОН» акциядорлик жамиятида термик барқарор параметрларга эга яримўтказгичли қурилмаларни яратиш ҳамда ишлаб чиқарилаётган махсулотлар таннархини пасайтириш ва шундай параметрларга эга қурилмаларнинг рентабиллигини таъминлашга имкон беради.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Диссертация иши натижалари (22 та тезис) маҳаллий ва 14 та ҳалқаро конференцияларда муҳокама қилинган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги.** Диссертация мавзуси доирасида жами 7 та илмий мақола чоп этилган, шулардан, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг фалсафа доктори (PhD) диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этишга тавсия этилган илмий журналларда, жумладан 5 та республика ва 2 та чет эл илмий журналларида мақолалар нашр этилган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация ишининг тузилиши кириш, тўрта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертация ҳажми 134 бет матндан, шу жумладан 54 расм ва 5 жадвалдан иборат.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ


**Диссертация ишининг кириш қисмида**, диссертация мавзусининг ахамияти ва долзарблиги асосланган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари шакллантирилган, тадқиқот объектлари, предмети ва усуллари ҳақида маълумот берилган, тадқиқотнинг Ўзбекистон Республикаси фан ва техникани ривожлантиришнинг устувор йўналишларига мувофиқлиги аниқланган. Олинган натижаларнинг илмий янгилиги ва илмий- амалий ахамияти тақдим этилган, натижаларнинг ишончлилигига асосланиб, уларни амалга ошириш, ишнинг апробация натижалари ва диссертация тузилмаси ҳақида маълумотлар келтирилган.

**Диссертация ишининг биринчи бобида** "Бинар ярим ўтказгичларнинг электрон ва оптик хусусиятларига техник ишлов беришнинг таъсири" бўйича адабиётлар шарҳида замонавий адабиётлар таҳлили ҳақида умумий маълумот берилган. Экспериментларни таҳлил қилиш натижалари шуни кўрсатадики, ҳозирги вақтда қуйидаги масалаларни ўрганишга катта эътибор қаратилмоқда: турли хил юпқа қатламларни олиш; қатламларнинг тузилишини ўрганиш; катализаторлар учун ишлатиладиган оксидли материалларнинг физик ва кимёвий хусусиятлари; плёнка ва кукун материалларининг морфологияси. Бу тозалиги юқори даражадаги металл контактларни яратиш, имплантация технологияларидан фойдаланиш ва турли хил қопламаларни олиш учун фан ва технология истиқболлари билан боғлиқ. Ўрганилган адабиётлар таҳлили натижасида шуни айтишимиз мумкинки  $TiO_2$ ,  $CdSe$  асосида олинган кристалллар морфологияси,  $Si/Cu$  кичик қаршиликка эга (омик) контакт морфологияси жуда кам ўрганилганлигини кўрсатди. Ушбу кам ўрганилган муаммолар диссертация ишининг мақсадларини аниқлаш ва вазифаларини амалга ошириш учун асос бўлиб хизмат қилди.

**Иккинчи боб "Экспериментал қурилма ва тадқиқотлар методологияси"** ҳақида бўлиб,  $TiO_2$ ,  $CdSe$  ва  $Si/Cu$  поликристалларини спектроскопик таҳлил қилиш ва ўрганиш бўйича тажриба тавсифи ва тадқиқот усуллари кўриб чиқилган. Асосий тажрибалар Ўзбекистон Республикаси фанлар академияси У. А. Арифов номидаги Ион-плазма ва лазер технологиялари институтининг "Адсорбцион ва эмиссион ҳодисалар" физикаси лабораториясида яратилган вакуум қурилмаларида ўтказилди. Ишда қўйилган вазифаларни бажариш учун кремний сиртида ўстирилган  $Cu$ ,  $TiO_2$  ва  $CdSe$  юпқа плёнкаларини, шунингдек,  $Si/Cu$  эркин плёнкалари юзасини ўзгартириш ва вакуум шароитида уларнинг физик хусусиятларини ўрганишдан иборат. Олинган натижалар сирт ғадир-будурлигини атом кучи микроскопияси (АСМ), XRD-6100 Shimadzu дифрактометри, раман спектроскопия усули ва сканерловчи электрон микроскоп (СЭМ) ёрдамида таҳлил қилинди. Ушбу усуллар биргаликда қуйидагиларни таъминлашга имкон берди: намунанинг ишлов берилган юзасининг ғадир-будурлигини ўрганиш; унинг сирт ости соҳанинг қаттиқлиги; ҳарорат таъсиридан кейин материал юзасидаги таркибий ўзгаришларни таҳлил қилиш, намуна юзасидаги элементларни баҳолаш.

**Учинчи боб “Фотоэлементлар учун Si/Cu, TiO<sub>2</sub> ва CdSe плёнчаларини олиш режимларининг, плёнчалар кристаллиги ва морфологиясига таъсири”.** Тадқиқот давомида TiO<sub>2</sub> кукуни ва кристалларининг дастлабки намуналарининг қиздиришдан олдинги ва кейинги хусусиятлари ўрганилди. TiO<sub>2</sub> кукунининг аморфлик даражасини, кукун ва плёнчаларнинг кристаллигини, шунингдек, кукун ҳолатидаги ўлчамларини ва атомлар орасидаги масофани аниқлаш учун таҳлил ўтказилди.


Бошида олинган намуналарнинг яхши тозаланган юзаларининг таркиби ўрганилди. Мисол тариқасида 1(а)-расмда юқори вакуум ( $P \approx 10^{-7}$  Па) шароитида дастлабки қиздиришдан олдин, ва (б)  $T \approx 1600$  К ҳароратда 2-2,5 соат давомида қиздириш усули ёрдамида тозаланган Ti поликристалл юпка плёнка намунасининг масс-спектрлари кўрсатилган. Бу тадқиқот ишида Ti сиртини  $E_0 = 7$  кэВ энергияда Cs<sup>+</sup> ионлари билан бомбардимон қилиш орқали масс-спектрлари олинган. Тозалашдан кейин Ti юзасида жуда кам миқдорда (0,5-1%) углерод ва кислород сақланиб қолиши мумкинлиги аниқланган.




**1-расм.** Поликристалл Ti намунасининг масс-спектрограммаси: (а) қиздиришдан олдин ва(б) кейин. Ион энергияси  $E_0 = 7$  кэВ.

Рентген дифрактометр қурулмасида TiO<sub>2</sub> кристаллининг структура тузилиши, таркиби, ҳамда 900<sup>0</sup>С ҳарорат таъсирида қиздирилиб фазаларининг ўзгариш хусусиятлари ўрганилди. TiO<sub>2</sub> нинг оптика ва фотокатализ учун асосий камчилиги унинг фақат ультрабинафша (УБ) нурланиш таъсирида фаоллигидир, бу ер юзасига етиб келаётган бутун қуёш спектрининг атиги 5-8% ни ташкил қилади. Титан кукуни таркибининг рентген фазасини таҳлил қилиш шунингдек, таркибида нафақат кислород, азот ва бошқаларнинг қаттиқ фазали эритмаси кўринишидаги титан металининг кубик, гексоганал ва бошқа фазалари мавжуд, балки углерод-  $\alpha$ -титан (бу фаза кейинги ўринларда матнда макрофаза деб аталади), шунингдек стехиометрик бўлмаган фазаларида  $TiX_z$ ,  $TiX_mY_n$ , бунда  $\{X, Y\} = \{O, C, N\}$  кўринишда бўлади. Шу билан бирга TiO<sub>2</sub> нинг кукун материалида кам миқдорда микро ва нанофазалар шаклида бўлади ва терминологик жиҳатдан микро ва нанофазалар деб аталади. Бир жинслиликка эга бўлган бу фазаларнинг нисбий ҳажм қиймати ва таркиби ҳароратнинг ўзгариши билан ўзгаради. 2-3 расмда (XRD -6100) кукунли дифрактометрда ўлчанган TiO<sub>2</sub> нинг, турли чўққилар учун  $2\theta$  рентген нурунининг тушган ва қайтган бурчакларда анатаз фазали TiO<sub>2</sub> нинг Миллер индекслари ( 200, 111, 120, 211, 220, 002, 130, 112, 202, 212) ҳамда, ушбу намуна учун текисликлараро масофалари  $d_{hkl}$  аниқланди.

2- ва 3-расмдан кўриниб турибдики  $\text{TiO}_2$  намуналарининг (қиздирилган ва қиздирилмаган) ҳолати учун олинган натижалар адабиётлар билан таққосланди ва олинган натижалар билан мос келиши аниқланди. Энг юқори интенсивлик шуни кўрсатадики, юқори дифракция чўққиси  $2\theta=27,58^\circ$  бурчакда  $\text{TiO}_2$  учун энг юқори интенсивликка эга  $hkl(110)$  анатаз фазасига тегишли эканлигини тасдиқлайди.





2-расм. Кукунли дифрактометр усулида олинган  $\text{TiO}_2$  нинг спектрал боғлиқлиги.



3-расм. Кукунли дифрактометр усули билан олинган  $\text{TiO}_2$  нинг спектрал боғлиқлиги. Ушбу намуна учун текисликларо масофа  $d_{hkl}$  аниқланган.

Қиздирилмаган ва қиздирилган  $\text{TiO}_2$  намуналар учун турли хил текисликларо масофаси аниқланди (5-6 расм). Рентген фаза таҳлили  $\text{TiO}_2$  кристалл структурасидаги ўзгаришлар содир бўлиши ҳароратга боғлиқ эканлигини кўрсатди. 4а-расмда  $\text{TiO}_2$  дастлабки (қиздирилмаган) намунасининг текисликлар орасидаги масофаси  $d_{hkl}=3,478 \text{ \AA}$  эканлиги келтирилган. Рентген нурунининг тушган ва қайтган нурлар орасидаги бурчакларда  $2\theta=25.590$  текисликларо масофаси  $d_{hkl}=2,042 \text{ \AA}$  ва бурчаги  $2\theta=44.32$  бўлганда текисликларо масофаси  $d_{hkl}=1,342 \text{ \AA}$  га тенг эканлиги аниқланди.



4-расм. а)  $\text{TiO}_2$  қиздиришдан олдинги ва б)  $900^\circ\text{C}$  ҳароратда қиздирилганда атомлар орасидаги масофанинг ўзгариши келтирилган.


$\text{TiO}_2$  кристаллини  $900^\circ\text{C}$  температурада 1 соат давомида қиздирилгандан сўнг, текисликларо масофаси қуйидагича ўзгарганлиги аниқланди:  $d_{hkl}=3,231 \text{ \AA}$  учун бурчаги  $2\theta=27.580$ ;  $d_{hkl}=2,048 \text{ \AA}$  учун бурчаги  $2\theta=44.180$ ;  $d_{hkl}=1,344 \text{ \AA}$  учун бурчаги  $2\theta=69.930$ .  $\text{TiO}_2$  нинг кристалли тузилишини,

атомлараро масофасини ва ўртача кристалл ўлчамини аниқлаш учун Дебай-Шеррера формуласидан фойдаланиб, қуйидагиларни аниқладик:


$$D = \frac{K\lambda}{\beta \cos \theta} \dots \dots \dots (1)$$

бу ерда D-кристаллнинг ўртача ўлчами, K- заррача шакли коэффиценти (Шеррера доимийси);  $\lambda$ -рентген нурланиши тўлқин узунлиги;  $\beta$  -бу пик (чўкки) ярим баландлигидаги чўкки кенглиги (радианда ва  $2\theta$  бирликда);  $\theta$  -бу дифракция бурчаги (Бреег бурчаги). K- коэффицент заррачалар шаклига қараб ҳар хил қийматларни қабул қилиши мумкин. Масалан, сферик зарралар учун K одатда 0,9 деб қабул қилинган. Шеррера доимийси  $\text{TiO}_2$  атомлари орасидаги масофа (d) функцияси сифатида ифодаланади. 6-расмда  $\text{TiO}_2$  атомларини қиздиришдан олдин атомлари орасидаги масофа (d)- (1.342 Å; 2.042 Å; 3.214 Å) эканлиги ва ўртача кристалл ўлчами -  $D = (5.37 \cdot 10^{-8}; 1.40 \cdot 10^{-8})$  м эканлиги аниқланди. Ушбу  $\text{TiO}_2$  намунанинг кристаллик ва аморфлик даражаси улушлари “Sarch and Match3!” дастурий таъминоти ёрдамида аниқланган.

Титан оксиди учун аморф фаза -81% ни, кристаллик фаза эса -197% ни ташкил этганлиги аниқланди. Бу натижа эса бизнинг  $\text{TiO}_2$  намунамиз асосан аморф фазали эканлигини кўрсатади. Юқоридаги 7-расмдан  $\text{TiO}_2$  намунамиз учун максимал интенсивлик бир соат давомида  $900^\circ\text{C}$  ҳароратда қиздирилгандан сўнг,  $2\theta$  (27,31,36,08,54,21) бурчакларга мос пиклар, қиздирилмаган намунага қараганда 2-3 баробар юқори интенсивликка эга бўлганлигидан далолат беради.




**5-расм.** Дастлабки намуна учун  $\text{TiO}_2$  Шеррер доимийси атомлар орасидаги масофага боғлиқлиги (d).



**6-расм.** Қиздирилгандан кейин  $\text{TiO}_2$  учун Шеррер доимийси атомлар орасидаги масофага боғлиқлиги (d).


Ҳозирги кунгача, кремний пластинасининг юзасига ўстирилган айрим материалларнинг, масалан, мис каби яхши ўтказувчи контакт материаллардан тайёрланган кремний асосидаги қуёш элементларининг кристалл тузилиши ва морфологияси амалда ўрганилмаган. Магнетронли чанглатиш усулидан кремний қуёш элементлари юзасига кичик қаршиликли Cu металл ўтказгич қопламаларини олишда фойдаланилмаган. Шунинг учун ҳам ушбу ишда, магнетрон чанглатиш усули ёрдамида кремний пластинаси юзасида ўстирилган мис қатлам сифатини, морфологиясини ва унинг таркибини босқичма-босқич комплекс усуллар асосида таҳлил қилишда, рентген фазали

тахлил (РФТ), сканерловчи электрон микроскоп (СЭМ) ва атом кучи микроскопия (АКМ) усулларида фойдаланиб амалга ошириш жуда долзарб ечим ҳисобланади.



**7-расм.** Даствлабкн ва кнзднрнлган  $\text{TiO}_2$  намуналарнн таққослаш натнжаларн.

Мнс қатлами кремннн пластнкнннг юзаснга намунанн олдндан механнк, кнмёвнн ишлов бернш, ультратовушли ваннада тозалаш, шунннгдек вакуумда мнлнллама плазма нонларн билан тозалашдан сўнг, манетронлн чанглатнш орқалн ўстнрнлган.



**8-расм.** Кремннн  $\text{Si}(111)$  пластнкнннг юзаснга  $\text{Si-Cu}$  юпқа пленкаларнннг рентген днффрактограммаларн келтнрнлган: 1 -(қнзл рангда), даствлабкн кремннн пластнка таглк 2 -(пушн рангда) кремннн пластнка юзаснга  $\text{Si-Cu}$  мнс қатлам ўстнрнлган ва тозаланган, 3- (кўк рангда) кремннн пластнка юзаснга  $\text{Si-Cu}$  мнс қоплама ўстнрнлган ва ҳеч қандай ишлов бернлмаган.

Днффрактограмма шунн кўрсатаднкн, (қнзл рангда)-  $\text{Si}(111)$  намунанннг чўққиларн паст ннтенснвлнкдагн 3 та  $2\theta$  нурлннш бурчақларнга мос келаднган чўққилар  $2\theta = 12.48$ ,  $\text{Si}(110)$ ;  $2\theta = 43.25$ ,  $\text{Si}(111)$  ва  $2\theta = 70.12$   $\text{Si}(220)$  кўрсатнлган орнентацияларга мос келади, шунннгдек,  $\text{Si-Cu}$  фазалн тузнлншга эга бўлган юпқа мнс қатлам қопланган кремннн намунасн днффрактограммасн, бунда  $2\theta$  нурлннш бурчақларнга мос келаднган чўққилар 4 град/мнн донмнн айланнш тезлнглн билан  $2\theta$  оралнғнда 10 дан 120 градусгача айланаднган детекторнннг нурлннш бурчақларнга мос келаднган чўққилар мавжуд бўлнб,  $2\theta = 12,24$ ;  $54,10$ ;  $56,31$ ;  $75,15$ ;  $78$ ;  $90$ ; шунннгдек катта бурчақларда  $90$ ,  $92.10$  ва  $119$  чўққиларн номоён бўлади.

Намоён бўлган чўққилар шунн кўрсатаднкн, мнлнллама разряд ёрдамада ишлов бернлган намуналарда-(кўк ранг), қўллннладнган мнс қопламасн

билан, умуман олганда, диффракция чўққилари сони ортади, бу миснинг контакт қатламининг кремний намунаси сиртига бир хил тақсимланишига боғлиқ. Шу билан бирга, ишлов берилмаган кремний намунаси ва ишлов берилган кремний намунасининг диффракция чўққилари сони бир хил, ammo ишлов берилмаган кремний намунасида, юзанинг ғадир-будирлиги туфайли, яъни баъзи жойларда мис қатлами бир текис қопланмаганлиги сабабли, чўққиларнинг интенсивлиги юқори бўлади.

Шундай қилиб, магнетронли чанглатиш манбаи ёрдамида кремний намунаси юзасига мис контакт қатламини қоплашда, механик ишлов бериш ва милтиллама разряди ёрдамида тозалашдан сўнг, бир хил қалинликдаги ва сиртга юқори даражада сирт билан ёпишган мис қатламини олиш мумкин, чунки диффракция чўққилари ҳосил бўлган Si-Cu фаза тузилишини характерлайдиган янги чўққилар мавжуд. Яъни, кремний юзасига мис қопламалар ҳосил қилинганда, дастлабки кремний намунаси билан солиштирганда ҳосил бўлган намунанинг сиртга яқин қатламларида структуравий ва фазавий параметрларнинг ўзгариши содир бўлади.

Ушбу ҳодисада дастлабки намуна қаршилигининг ўзгариши муҳим роль ўйнайди. Кремний таглик юзасига мис контакт қўйилганда, кремний юзаси мис билан легирланади, натижада намунанинг сирт қаршилиги ўзгаради. Бундай ҳолда, умумий қаршилиқни қуйидаги формула билан аниқлаш мумкин:

$$R = \rho_k \frac{1}{al} \left[ a \sqrt{\frac{\rho_n}{\rho_k}} \left( \frac{e^{a\sqrt{\frac{\rho_n}{\rho_k}} + e^{-a\sqrt{\frac{\rho_n}{\rho_k}}}}}{2} \right) \right] = \rho_n \frac{a}{l} \left[ \frac{e^{a\sqrt{\frac{\rho_n}{\rho_k}} + e^{-a\sqrt{\frac{\rho_n}{\rho_k}}}}}{2ak} \right], \quad (2)$$


бу ерда  $a$ -контактнинг кенглиги,  $l$ -контакт узунлиги,  $\rho_k$ -мис контактнинг қаршилиги,  $\rho_n$ -кремний сиртининг қаршилиги.

Кичик концентрацияларда киритилган металл атомлари билан кремний сиртининг тузилиши учун  $\rho_k$  контакт қаршилиги нисбати билан аниқланади:


$$\rho_k = \frac{k}{eAT} e^{\frac{e\phi}{kT}}, \quad (3)$$

Бу ерда  $A$  - Ричардсон доимийси,  $\phi$  - металл-ярим ўтказгич потенциал тўсиғининг баландлиги,  $k$  - Больцман доимийси.


Олинган натижаларнинг таҳлили шуни кўрсатадики, ток оқими мис контактли қатламнинг қалинлигини ортиши, сирт қаршилигининг пасайишига олиб келади, бу ўлчам эффекти назарияси билан тавсифланади. 9-расмда мис плёнка сирт қаршилигининг қалинликга боғлиқлиги келтирилган. расмдан кўришиб турибдики, контакт қопламасининг қалинлиги ошиши билан сирт қаршилиги гиперболик равишда камаяди. Контакт қатламининг қалинлиги 1,5 мкм га етганда сирт қаршилиги тўйинишга яқинлашади. Олинган натижалар шуни кўрсатдики, мис контактли қатламининг сирт қаршилиги, унинг қалинлиги 3 мкм етганидан кейин ўзгармайди. Шундай қилиб, 1,5 мкм бўлган мис контактли қатлам қалинлиги оптимал қалинлик ҳисобланади деб айтиш мумкин.




**9-расм.** Мис контакт қопламасининг қалинглигининг сирт қаршилиғига боғлиқлиги



*a) кремний таглик намуна*



*б) Магнетрон чанглатиш усулида кремний таглик юзасига Si-Cu мис қатлам ўстирилган ва милтиллама разряд ионлари билан тозаланган намуна*




*с) Магнетрон чанглатиш усулида кремний пластинка юзасига Si-Cu мис қатлам ўстирилган ва (ҳеч қандай ишлов берилмаган) тозаланмаган намуна*

**10-расм.** Кремний пластинанинг сиртининг СЭМ тасвири

10а-расмда кўрсатилган дастлабки кремний намунаси сиртида кислороднинг юза бўйлаб тақсимланишини кўриш мумкин. Бундан ташқари 10б расмда кремний намунаси милтиллама разряд ёрдамида тозаланган, бунда сиртда кислород деярли кузатилмайди (фақат иккита нуқтада аниқланади). 10с-расмда магнетрон чанглатиш усулида кремний пластинка юзасига Si-Cu мис қатлам ўстирилган ва (ҳеч қандай ишлов берилмаган) тозаланмаган намуна тасвири келтирилган, кўриниб турибдики, сиртда катта миқдордаги кислород ороллари ҳосил бўлганлигини ва ётқизилган мис қатламида сирт киришма моддаларни ҳам кўриш мумкин. Шундай қилиб, 10 (а, б, с) расмда келтирилган СЭМ тасвирларидан кўриниб турибдики, милтиллама разряд ёрдамида тозаланган кремний намунасида магнетронли чанглатиш усулида


кўлланиладиган миснинг контактли қопламаси қалинлиги бир текис эканлиги ҳамда сирт билан яхши ёпишганлиги ўз исботини топади. Магнитрон чанглатиш усулида ёрдамида ўстирилган мис қопламасининг қаршилигини таҳлил қилиш мақсадида магнитрон чанглатишдан олдин ва кейин кремний тагликнинг юзасидаги ғадир-будирлигини солиштирувчи тадқиқот ўтказилди. Бунда намуна юзаси икки қисмга бўлинди, уларнинг бирининг юзасига мис қатлам ўстирилган ва иккинчи намуна ўстирилмаган.




**11-расм.** Кремний пластинанинг сирт ғадир-будирлиги профилограммаси: а – экранланган қисм (мис қопламасиз), б - кремний таглигининг экранланмаган қисми, яъни мис контактли қоплама қопланган.

Профилограммаларнинг ушбу икки бўлимини таққослаш шуни кўрсатдики, бутун намунанинг асосий узунлиги  $L = 80,8$  мкм, экранланган қисми мис қоплама ўстирилмаган намуна юзасининг ғадир-будирлигидаги дўнгликлар қиймати эса  $R_{\max} = 1,23$  нм эканлиги (11-расм), ҳада кремнийнинг мис билан қопланган юзасидаги бу параметрнинг қиймати  $R_{\max} = 1,34$  нм га ошганлиги ва профиль ғадир-будирлиги  $R_z = 0,26$  нм га тенг эканлиги аниқланди.

12-расмда селенида кадмия ( $CdSe$ ) пленка билан қопланган монокристалл кремний намунасининг КРС спектри келтирилган, бу пленка вакуумли буғлатиш усули билан олинган. Ушбу спектрдан селенид кадмий пленканинг аморф фазалари  $\sim 180$   $cm^{-1}$  частотада ва кристаллик фазалари  $\sim 206$   $cm^{-1}$  частотада кузатиш мумкин, яъни бу пленка аморф-кристаллик тузилмасига эга.




**12-расм.** Монокристалл кремний юзасида вакуумли буғлатиш усули билан қопланган ( $CdSe$ ) пленка намунасининг комбинацион тарқалиш спектри келтирилган.




**13-расм.** Монокристалл Si таглик юзасига вакуумли буғлатиш усули била қопланган  $CdSe$  пленка  $800^{\circ}C$  ҳароратда қиздирилган намуна КРС спектри келтирилган.

13-расмда монокристаллик кремний таглик юзасига вакуумли буғлатиш усули билан кадмий селенид (CdSe) пленкаси қопланган намунасининг КРС спектри келтирилган бўлиб, бунда тадқиқ қилинаётган намуна 800°C хароратда қиздирилганида, пленка қопламасининг кристаллик тузилиши сезиларли даражада ортганлигини комбинацион тарқалиш спектрининг ўзгаришларга мувофиқ аниқланган.

**Тўртинчи боб “Фаол металл ионларини имплантация қилиш йўли билан эркин плёнкалар юзасини ўзгартириш ва ион бомбардимон қилиш ва кейинчалик қиздиришнинг эркин Cu наноплёнкалари ва қатламли Si–Cu тузилмаларининг таркиби, тузилиши, хусусиятлари ва тормозлаш қобилиятига таъсирини ўрганиш”** га бағишланган бўлиб, бу ишда илк бор энергияси 0,5 дан 10 кэВ гача бўлган Ва<sup>+</sup> ионларини имплантация қилиш ва сўнгра қиздиришнинг эркин Cu(100) плёнка юзасида ўстирилган Si наноплёнкаларининг таркиби, электрон ва кристалл тузилиши, ҳамда электрофизик хусусиятларига таъсири ўрганилган. Тадқиқот учун бир хил шароитда олинган қалинлиги 0, 50, 100 ва 400 Å бўлган Si наноплёнкаси асосида Cu(100) намуналари тайёрланган. Ушбу намуналар T = 750 K хароратда 2-3 соат давомида 10<sup>-6</sup> Па дан паст бўлмаган вакуум шароитида қиздирилган. 12-расмда соф Cu(100) плёнка ва 50 ва 400 Å қалинликдаги Si плёнкали Cu(100) учун бошланғич энергияси E<sub>p</sub>=300 эВ да олинган ЭХЭЙ спектрлари кўрсатилган.



**14-расм.** Эркин плёнкалар ЭХЭЙ спектрлари. 1 - Cu(100); 2 - Cu<sub>2</sub>Si<sub>3</sub>/Cu и 3 – Si/Cu<sub>2</sub>Si<sub>3</sub>/Cu. E<sub>p</sub> = 300 эВ.



**15-расм.** Кремний поликристал плёнкалар учун фотоэлектронлар спектрлари: 1 – қалин пленка, қалинлиги d≈1 мкм; 2 – эркин пленка, қалинлиги d≈400 Å. hv=10.8 эВ.

Ушбу олинган намуналар ўлчашдан олдин 30 дақиқа давомида T= 700 K да қиздирилган. Соф Cu(100) плёнкаси спектрида ΔE: 7,3; 10,3; 17,6 ва 21,6 эВ энергиясини йўқотган электронларнинг интенсив чўққилари аниқланди (14-расм, 1-чи эгри чизик). Ушбу спектрнинг тузилиши, шакли, интенсивлиги ва чўққиларининг сони массив Cu(100) плёнкалар спектрида келтирилган массив Cu(100) плёнкалар спектрининг тузилишидан сезиларли даражада фарқ қилиши аниқланди. Ушбу спектрнинг тузилиши, шакли, интенсивлиги ва энг юқори рақамлари массив Cu (100) плёнкалари учун спектр тузилишидан сезиларли даражада фарқ қилади. Бироқ, аксарият чўққиларнинг энергия ҳолати тахминан мос келади. Қалинлиги d =50 Å бўлган Si плёнкаси пуркалгандан сўнг, интердиффузия туфайли (700 K да) Cu(100) юзасида тахминан Cu<sub>2</sub>Si<sub>3</sub> таркибига эга поликристалли силицид плёнкаси ҳосил

бўлади. Бунда  $\Delta E=10,3$  эВ йўқотишда мис чўққисининг интенсивлиги кескин пасаяди ва Cu нинг бошқа чўққилари бутунлай йўқолиб, янги чўққилар пайдо бўлади (14-расм, 2-эгри чизик).  $d \geq 100$  Å да уч қаватли Si - Cu<sub>2</sub>Si<sub>3</sub> - Cu (100) система ҳосил бўлади.  $d \approx 300-400$  Å да ХЭЙ спектрида тўлиқ ўрнатилган «соф» Si чўққилари пайдо бўлади (14-расм, 3-эгри чизик).

ЭХЭЙ спектрларини ОЭС маълумотлари билан биргаликда таҳлил қилиш асосида биз плазмон жунбуши билан боғлиқ ЭХЭЙ спектридаги асосий чўққиларнинг энергия позицияларини аниқладик (1-жадвал). 1-жадвалдан кўриниб турибдики, мис, мис силицид ва кремнийнинг плазмон жунбушга келиш энергияси бир-биридан сезиларли даражада фарқ қилади ва уларнинг қийматлари массив Cu, Cu<sub>2</sub>Si<sub>3</sub> ва Si плёнкаларниқига яқин. Бироқ, Si массив плёнкалари спектрида қуйидаги чўққилар аниқланди: 3.3 эВ; 5.5 эВ; 6.7 эВ ва 9.7 эВ энергияли зона ўтишлари сабабли ва Si эркин плёнкасида фақат 3.6, 7.5 эВ энергияли 2 та чўққи аниқланди. Кўриниб турибдики, Si юпқа эркин плёнкалари валент зонасининг (шунингдек, ўтказувчанлик диапазонининг) электрон зичлиги қалин плёнкалардан сезиларли фарқ қилиши аниқланди.

#### 1-жадвал.

Плазма тебранишларининг кўзғалиши билан боғлиқ бўлган ЭХЭЙ спектридаги асосий чўққиларнинг энергия ҳолатлари


	$\hbar\omega_s$ , эВ	$\hbar\omega_v$ , эВ	$2\hbar\omega_s$ , эВ	$\hbar\omega_s+\hbar\omega_v$ , эВ	$2\hbar\omega_v$ , эВ
Cu(100)	7.0	10.8	14.5	17.5	21.2
Cu <sub>2</sub> Si <sub>3</sub> , поликр.	8.5	12.6	17.5	21.8	-
Si, поликр.	10.4	17	21.3	28	-

15-расмда  $h\nu = 10,8$  эВ энергияда олинган массив ва эркин Cu плёнкаси учун фотоэлектронларнинг спектрлари кўрсатилган. Маълумки, бу спектрларнинг эгри чизиги ўрганилаётган объектнинг валент электрон ҳолатининг зичлигини яхши акс эттиради. Кўриниб турибдики, ушбу плёнкалар спектрининг кенглиги деярли бир хил, аммо уларнинг зичлиги сезиларли даражада фарқ қилади. Агар металллар ва ярим ўтказгичлар учун  $h\nu=10-15$  эВ энергия зонасида фотоэлектрон эмиссия чуқурлиги 60-80 Å эканлигини ҳисобга олсак, у ҳолда Si плёнкаси ҳолатининг зичлигига таъсирини эътиборсиз қолдириш мумкин. Бундан кўринадики, бу фарқ эркин Si плёнкасида массив плёнканинг сирт қатламларида боғланмаган Si ва O атомларининг концентрациясининг фарқи, шунингдек, ушбу плёнкаларнинг алоҳида қисмларининг кристалл панжараси параметрларининг идентификацияланмаганлиги билан боғлиқ.


16-расмда  $E_0=0,5$ ; 3 ва 8 кэВ энергияга эга бўлган Ва<sup>+</sup> ионлари билан имплантация қилинган ва  $T=800$  К ҳароратда 2 соат давомида қиздирилган учта бир хил намуналар учун ( $d_{Si} \approx 400$  Å) Si/Cu(100) профилларда Ва нинг чуқурликлар бўйича концентрация тақсимооти кўрсатилган.

